

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 19-noyabr, chorshanba № 93 (15835)

Mustaqillik farzandlari

13 ёшда 21та медаль

Яқинда шундай хушxabар тарқалди: сурхондарёлик ўн уч ёшли Нозим Умаров Шарқ якка курашлари йўналишлари бўйича Италиянинг Милан шаҳрида жаҳон чемпиони бўлди! Бу ҳамюртимизнинг 2014 йилнинг ўзида жаҳон чемпионатларида қўлга киритган биринчи ғалабаси эмас.

Нозим Умаров сингари спортчиларимизнинг халқаро аренада юртимиз байроғини баланд кўтараётгани ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр туйғусини оширади. Қўлга киритилаётган ютуқлар юртимизда болалар спортга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин самарасидир.

— Сурхондарё вилоятида болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Санжар Нуриев. — Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган эътибор тўғрисида

вақирон фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда голиб чиқмоқда. Ана шундай иқтидор соҳибларидан бири Нозим Умаров АҚШ, Малайзия ҳамда Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида олтин медални қўлга киритганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Нозим Умаров 2001 йилда Шўрчи туманида туғилган. Етти ёшидан комбат-айкидо билан шуғуллана бошлаган қахрамонимиз айти пайтда тумандаги 36- мактабнинг 7-синфида таҳсил олиб, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўз маҳоратини ошириб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

18-ноябр — O'zbekiston Respublikasining Davlat bayrog'i qabul qilingan kun



ИФТИХОР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Шу боис байроғимиз ёки

гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истикболга ишонч туйғусини ҳис этамиз. Ватанимиз мустақилликка

эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мана, йигирма уч йилдирки, миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиклол гоёларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)


«Yangi nigoh» videoroliklar tanlovi g'oliblari

Орол, албатта, яшайди

Ёш биолог олим Санжар Шеримбетов фанда биринчи бор чўл ландшафтига хос ўсимликлар таркибида нодир металллар мавжудлигини аниқлади. Мазкур ҳодиса оламшумул кашфиётга айланиши мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг катта илмий ходим-изланувчиси Санжар Шеримбетов кўп йилдан буён Жанубий Оролқум ҳудудидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиб келмоқда. Илмий изланишлари давомида у Орол денгизининг сувдан бўшаган сатҳида 216 турдаги ўсимлик ўсишини аниқлади. Охири тадқиқот натижалари янада ҳайратланарли. Ёш олим ҳозирги кунда 5,5 миллион гектар майдонни эгаллайдиган Оролқум саҳросида етти хилдаги маданий ўсимлик — сабзи, пиёз, наъматак, дўлана, олма, ўрик ва лоланинг ёввойи ажодлари ўсишини қайд этди.

(Давоми 3-саҳифада)



Рустам Назарматов олган сурат

«Kamalak yulduzlari — 2014»



БОЛАЛАР ИЖОДИДА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

Бир донишманд дунё гўзаллигининг сири болалар табассумида, уларнинг беғубор оламида эканини таъкидлаб, буни энг буюк мўъжиза, дея эътироф этган экан. Дарҳақиқат, бола кулса, олам кулади, бутун борлиқ янада гўзал бўлиб кетади гўё. Шукрки, Ватанимиз ана шундай жаннатмакон ўлкалардан. Болаларнинг шўх кулгуси янграётган бу юртдаги байрамларда, тўю тантаналарда, хурсандчилик кайфиятида эса халқимизнинг фаровон ҳаёти акс этади...

(Давоми 4-, 5-саҳифаларда)

ИФТИХОР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ҳилпираб турган байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Хукумат билан маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омиллардан

бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамд қилаётган ўғлонлар байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзларига суради. Халқро микёсдаги мусобақаларда галаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини суради.

Давлатимиз байроғи спортчиларимизга доимо куч-қудрат, жасорат бахш этади. Спортчиларимиз 2014 йилнинг ўтган даврида миллий ва олимпия спорт турлари бўйича ўтказилган қатор халқаро мусобақаларда 186 олтин, 200 кумуш, 239 бронза медални қўлга киритди. Улар эришган галабалар шарафига дунё спорт ареналарида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди. Бу миллионлаб юртошларимиз қалбини чексиз фахрга тўлдирди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. «Ўзбекистон Республикаси-

нинг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва тиниқ сув еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида халқимиз забот этадиган довлонларга йўл очади. Яшаринг ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиклар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётнинг қудрат ва бардавонлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз беғуборлик, мукамаллик, донишмандлик ифодасидир.

Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини англаиб, эслатиб туришини ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутиши лозим.

**Зиёдулла
ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА шарҳловчиси**



13 ёшда 21 та медаль

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Нозимбекнинг шахсий совринлар коллекциясига назар солган киши 16та олтин, 3та кумуш, 2та бронза медалга кўзи тушади. Совринлари орасида Ўзбекистон чемпионатида қўлга киритилган саккизта, жаҳон чемпионатида олган иккита олтин медали унинг учун алоҳида қадрли.

— АҚШнинг Орландо шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Чехия, Франция, Озарбойжон, Буюк Британия, Бразилия ва АҚШлик тенгдошларим билан куч синашдим. Бу мусобақада икки йўналиш бўйича иккита олтин медаль соҳиби бўлдим, — дейди ёш чемпион. — Устозларим меҳнати, ота-онамнинг доимий қўллаб-қувватлаши мени ғолиблик сари етаклади.

Нозим Умаров шу йилнинг 12 — 16 март кунлари Таиланднинг Аютхая шаҳрида ўтказилган комбат-айкидо бўйича биринчи жаҳон чемпионатида яна битта олтин медални қўлга киритди.

— Нозимнинг иқтидори болалар ва ўсмирлар спорт мактабига келган илк

кундаёқ билинган. Шу боис, у билан кўпроқ шуғуллана бошладим. У ёш бўлишига қарамай, ҳар қандай муваффақиятга фақат меҳнат билан эришиш мумкинлигини билади, — дейди Шўрчи туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, спорт устаси Хусан Тешабоев.

Сурхондарёда 2003 — 2014 йилларда 141та болалар спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, шулардан 130таси қишлоқ жойларда барпо этилди. Вилоятда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 163365 нафар ўғил-қиз бугун мунтазам спорт билан шуғулланыпти. 2003 йилда воҳада атиги 94 нафар қиз бадий гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 4000 нафарга етди. Вилоятдаги мавжуд 141та замонавий спорт иншооти 161та таълим муассасаси ўқувчиларини қамраб олгани болаларни спортга кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалий ифодаси дейиш мумкин.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири**

«Kamolot» ko'zgusi

Қарши шаҳридаги М.Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида «Сен билан бирга — «Kamolot» сари» шиори остида «Палаба-ёшлар» шоу фестивали бўлиб ўтди.



Фаол талабалар тақдирланди

Вилоятдаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар иштирокида ўтган мазкур тадбир Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди.

Ҳаракатнинг йирик лойиҳаларида, жамоат ишларида, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида фаол иштирок этган талабалар «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

«Ўзбегим беклари» жамоасининг чиқиши томошабинларга ҳақ қайтириш улашган бўлса, «Ниҳол» мукофот совриндорлари ҳамда эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчани рақсга чорлади.

Фестиваль доирасида ёш расом, ҳайкалтарош, дизайн, муҳандис, технологларнинг кўрсатмаси ҳам ташкил этилди.

**Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» муҳбири**

КИНО САНЪАТИ ВА ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ўзбек киноси: кеча ва бугун» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирилари ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва кинодраматурглар, режиссёрлар, актёрлар, санъатшунослар, талабалар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида кинематография соҳасини изчил ривожлантириш, унинг халқимиз ҳаёти, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсири кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг самарасида давлат ва нодавлат студиялари, кинотеатрлар фаолияти замон талабларига мос тарзда ривожланмоқда. Улар томонидан миллий ва умуминсоний кадрлар, ижтимоий ҳаёт манзаралари акс этган фильмлар яратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартдаги «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони муҳим омил бўлаётир.

— Инсон маънавиятига, онгу тафаккурига таъсир этадиган восита-

лар орасида кино санъати муҳим ўрин эгаллайди, — дейди «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри Хилол Насимов. — Буюк тарихимиз, бой маданият ва маънавиятимизни тарғиб этадиган киноасарлар, сериаллар билан бирга савияси паст, дидсиз фильмларнинг пайдо бўлиши давом этмоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш, ёш мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тадбирда кино санъати мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини баддий акс эттириши, кинематографиянинг халқимиз ҳаётидаги, ёшларимиз тарбиясидаги ролини кучайтиришга хизмат қилиши зарурлиги қайд этилди. Кинематографияда олиб борилаётган ишлар, истиқболдаги режалар, кинодраматург ва режиссёрлар тайёрлаш, изланувчан ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, томошабин диди ва талабига мос фильмларни кўпайтириш масалалари муҳокама этилди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА муҳбири**

Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли Марказий кон бошқармаси ишчилари учун Зарафшон шаҳрида замонавий тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги хонадонларга 40та ёш оила кўчиб келди. Хонадон эгалари учун барча қулайликлар яратилган.

КОНЧИЛАРГА ЯНГИ УЙ

Марказий кон бошқармаси шаҳар ҳудудида инфратузилмани тубдан яхшилаш, замонавий тураржойлар барпо этиш борасида ибратли ишларни амалга ошириш билан бир қаторда, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кончилик соҳасида етук мутахассис-кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг самарали фаолият олиб бориши учун қулай шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йилнинг ўзида корхонада меҳнат қилаётган 80 нафар ёш ходим янги уй-жой билан таъминлангани фикримиз далилидир.

**Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» муҳбири**

Орол, албатта, яшайди

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

— Табиатнинг бундай мўъжизаси олдимизга кўплаб жумбоқли саволларни қўймоқда, — дейди Санжар. — Айтайлик, тоғ ўсимлиги бўлмиш дўлана чўл муҳитига қандай мослашди? Ноёб ва эндем ўсимликлар Оролқумга қаердан келиб қолган? Бу ҳудуд флорасидан қайси мақсадларда фойдаланиш мумкин? Масалан, Оролқумда саксовул, юлғун, қандим, шувок, шўрак, балиққўз каби шўрхок ва қумларни мустаҳкамловчи эллиқдан зиёд истиқболли ўсимлик мавжуд. Улар фармацевтика саноати учун ниҳоятда фойдали хомашё саналади. Яна бир янгилик: охириги экспедиция жараёнида фанга маълум бўлмаган ўсимликни аниқладим. Ҳозир унинг кимёвий таркибини ўрганиб, тавсифлашга ҳаракат қиляпмиз. Оролқумда тарқал-



ган ўсимликлар скрининги айримларининг таркибида олтин, кумуш, бром, вольфрам каби нодир металллар борлигини кўрсатди. Бу эса замонавий фан учун мутлақо янги ҳодисадир.

Санжар Шеримбетов олим сифатида Орол фожеасининг барча аянчли оқибатларини чуқур англайди ва яхши тасаввур қилади, албатта. Шун-

га қарамай, ишончи комил: Оролда ҳаёт энди бошланяпти.

— Куриган денгиз ўрнида бетакрор манзара ҳосил бўлган, — дейди у. — Баландлиги 25-30 метргача етадиган улкан тошли қоялар — каньонлар сайёҳлар эътиборини жалб қилмоқда. Ўзига хос ўсимлик ва ҳайвот дунёси ҳам дам олувчиларни бе-

фарқ қолдирмаслиги аниқ.

Хуллас, Оролқумда томоша қилишга арзийдиган жойлар кўп. Шу боис мазкур ҳудудда экотуризмни ривожлантириш айна муддао. Оролқумнинг туристик салоҳиятини кўрсатиш мақсадида анчадан буён видеоролик яратишни ният қилиб юргандим. Сценарий тайёр. У «Табиатнинг ўзи меъмор» деб номланади. Ижодий ишим билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан юртимизда илк бор ўтказилган «Янги нигоҳ» видеороликлар танловида қатнашдим. «Видеоролик сценарийси учун энг яхши гоё» йўналишида биринчи ўринга сазовор бўлдим. Бу мен учун катта рағбат ва имкониятдир. Энди Ҳаракат қошидаги «Бунёдкор» ёшлар телеклуби кўмагида видеоролигимни суратга олишим мумкин.

Дунё Орол ҳалокатинигина эмас, балки Яратганнинг инояти билан сувсизланган денгиз ўрнида янги, гўзал ҳаёт бошланганини ҳам билсин, дейман.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.

Kun mavzusi

2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов оммавий ахборот воситалари ходимларига МСКнинг мажлиси ҳақида ахборот берди.

Депутатликка номзодлар рўйхатдан ўтказилди

Мирзо-Улуғбек Абдусаломов йиғилганларни МСКнинг навбатдаги мажлисида қабул қилинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ва сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги қарорлар билан таништирди.

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қонунда белгиланган тартибда ўзларининг курултой ва съездларини ўтказди ва улар давонида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Сиёсий партияларнинг раҳбарлари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни сўраб Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этди. Мазкур ҳужжатлар МСК аъзолари ва масъул ходимлардан иборат ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 535 нафар (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан 135 нафар,

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 132 нафар, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 134 нафардан) номзод рўйхатдан ўтказилди ва улардан 13,8 фоизи аввал ҳам сайланган депутатлардир. Номзодларнинг 26,5 фоизи таълим-тарбия, 20,8 фоизи иқтисодиёт, 20,2 фоизи ишлаб чиқариш, 14,2 фоизи ҳуқуқ соҳаларининг ва 10,1 фоизи соғлиқни сақлаш тизими вакиллари. Уларнинг барчаси олий маълумотли ва 21,7 фоизи фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга. Рўйхатга олинган номзодларнинг 31,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига кўра, депутатликка номзодларни олиш қонунда белгиланган муддатда якунланди.

Анжуманда сайлов жараёнининг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланиши ва бу жараён сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга оширилиши таъкидланди.

Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ВА ШҲТ ҲУЗУРИДА КУЗАТУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИККИНЧИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 2014 йил 18 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэн раислигида ШҲТга аъзо давлатлар ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар ва ШҲТ ҳузурида кузатувчи мамлакатларнинг миллий махсус хизматлари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида халқаро террористик ташкилотлар ҳаракати кучайиб бораётгани ШҲТ маконида терроризмга қарши курашиш соҳасидаги барқарор вазиятга таҳдид солаётгани таъкидланди.

Йиғилишда биринчи конференцияда эришилган келишувларни амалга ошириш натижалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида сезиларли натижаларга эришилганини қайд этди. Минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизмга қарши курашиш мақсадида ШҲТга аъзо давлатлар ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатлар ваколатли органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

ШҲТга аъзо давлатлар ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатлар терроризм хавфига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи сифатидаги ролини янада ошириш тарафдори эканини таъкидлади.

Конференция қатнашчилари ҳамкорликдаги саъй-

ҳаракатларни мувофиқлаштириш, террористик ташкилотлар ҳақида маълумотлар тўплаш ва алмашиш янги таҳдид ва хавфларга қарши курашишда самарали восита эканини қайд этди.

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгаши томонидан маъқулланган ШҲТ МАТТ ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатларнинг ваколатли органлари ўртасида терроризмга қарши ўзаро ҳамкорликни тартибга соладиган протоколлар лойиҳалари асосида ҳамкорликнинг ишчи механизминини ишлаб чиқиш ҳақида келишувга эришилди.

Иштирокчилар конференция юксак савияда ташкил этилгани ва яратилган қулай шароит ҳамда меҳмондўстлик учун ШҲТ МАТТ Ижроия кўмитасига миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

«Kamolot» hududi

Нукус давлат педагогика институтида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўриктанловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги 63 нафар етакчиси ўзаро беллашди.

ТАКЛИФ ВА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Танлов доирасида дастлаб ўқув-семинар ташкил этилди. Етакчиларга бошланғич ташкилот ҳақидаги ўқув-услубий фильм намойиш қилиниб, аъзолик ҳужжатлари, иш режаси ва ҳисоботларни юритиш бўйича машғулотлар ўтилди.

Беллашув чоғида етакчилар амалга оширган ишлари ва бошланғич ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ёшлар муаммоларини бартараф этишга қаратилган таклиф ҳамда лойиҳаларини тақдим этди.

Ҳакамлар ҳайъати ўн нафар етакчини голиб деб топди. Улар тез кунда «Камолот» ёшлар оромгоҳида ташкил қилинадиган республика етакчилар форумида иштирок этади.

ТЕЖАМКОРЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

Чимбой қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида Ҳаракатнинг «Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди!» лойиҳаси доирасида мини-сессия ташкил этилди.

Ёшлардан сараланган лойиҳа тренерлари тенгдошларига табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатлари ҳамда уларни қандай қилиб тежиш мумкинлиги ҳақида тушунча берди. Ўқувчилар учун «Экология ва иқтисод» йўналишида интерфасол усулдаги тренинг ҳам ўтилди. Шу аснода иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Машғулот якунида ёшларга мавзуга доир махсус буклетлар тарқатилди.

Озода РЎЗИМОВА,
Қорақалпоқ давлат университети
талабаси



“KAMALAK” BOLALAR IJODIDA QADRIYATLARIMIZ TARANNUMI

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Халқимиз фарзандларини «болажоним» дея эркалатиб, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб воёга етиши учун барча имкониятларни яратишга интилади. Айни пайтда Юртбошимиз раҳнамолигида болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бадиий диди ва эстетик тафаккурини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борадаги ишлар эса ёш авлоднинг ўз истеъдод ва интилишларини намойиш этиб, улкан муваффақиятларга эришишида замин яратмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали ҳам ёшларга ўз ижодий қобилиятини кўрсатиш имконини бермоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон давлат консерваторияси, Республика рассомлик коллежида мазкур фестивалнинг якуний — республика босқичи ўтказилмоқда. Унда танловнинг худудий босқичларида ғолиб бўлган етти юз нафарга яқин ўғил-қиз олти йўналиш бўйича ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш этмоқда.

Тошкент темир йўл вокзалида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган фестивал иштирокчилари нигоҳида кўтаринки кайфият, ғолиблик руҳи, шодонлик ва бегуборликни кўрдик. Иштирокчилар билан суҳбатлашайтиб, болаликнинг бегубор орзулари бизни ҳам ўз бағрига чорлади.

— Биз Навоий вилоятидан

келдик, — дейди Малика Илҳомова. — Мен дугор чаламан. Мақсадим фестивалда муносиб қатнашиб, ғолиб бўлиш. Янги дўстлар орттириш, устозлар маслаҳатини олиш.

— Танловда шеърят йўналишида қатнашман, — дейди Самарқанд вилоятидан келган Товфиқбек Ақромов. — Ижодий машқларим вилоят ва туман газеталарида эълон қилинган. Пойтахтга келиш ҳар бир тенгдошимнинг орзуси. Бу ердан дўстларим, устозларим, ота-онам олдига ёруғ юз билан қайтиш ниятидаман.

Товфиқбек иштирокчиларнинг кўнглидаги гапни топиб айтди шекилли, тўпланиб турган болалар жўр бўлди:

— Биз ҳам, биз ҳам шундай, ғолиб бўлмоқчимиз...

Фестивалнинг тантанали очилиш маросими 16 ноябрь куни Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати масъул ходимлари, турли вазирлик ва ташкилот вакиллари ҳамда иштирокчилар қатнашди. Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида болаларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Бу йил фестивалда қатнашиш истагидаги олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган 37600 нафар боладан ариза қабул қилинди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенга-

ши раиси ўринбосари, Республика «Камалак» болалар ташкилоти раиси Сарвар Ашуров. — Ушбу кўрсаткич ўтган йилги танлов иштирокчилари сонига қараганда 3,5 минг нафар кўп бўлиб, бу энг чекка қишлоқлар-

ринчи марта чиқшим. Бу фестиваль тенгдошларимнинг ижоди билан танишиш, устоз мусиқаши ва бастакорлар, созандаларнинг маҳорат сабоқларида иштирок этиш учун яхши имкониятдир. Дўстларимга фестивалда омад тилайман!

Вокал — миллий ва академик ижро, эстрада, фольклор ҳамда хор гуруҳлари йўналиши.

Вокал йўналишидаги ижодий баҳслар ҳам қизгин руҳда бошланди. Болаларнинг жонли ижродаги чиқишлари барчага бирдек қувонч улашди. Қорақалпоғистонлик Насиба Бозорбоева ижросидаги «Дам бермас» ашуласи даврага

ри ҳам шундай гўзал ва нафис санъатни ўз композицияларида кўрсатди. Бир-бирдан ажойиб, дилрабо рақслар Ватан, она, болаликни тараннум этди.

Дастлаб саҳнага Андижон вилоятининг «Шодиёна» ракс дастаси «Андижон полкаси» наволари остида чиқиб келди. «Овулда тўй» қўшиғига рақсга тушган «Қалдиғоч» гуруҳи ҳам ўз маҳорати билан олқишга сазовор бўлди.

Тасвирий ва амалий санъат йўналиши.

Республика рассомлик коллежида мазкур йўналиш бўйича болалар ўзларининг графика, рангтаъсвир, натюрморт, либослар дизайни, ҳайкалтарошлик, кулчилик, зардўзлик, куракчилик, гиламдўзлик, бисер, юмшоқ ўйинчоқсозлик, каштачилик, наққошлик буюмларини намойиш этди. Ҳакамлар уларга тасвирий ва амалий санъат бўйича турли саволлар бериб, билимларини синовдан ўтказди.

— Кашта тикаман, — дейди Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Юлдузхон Йўлдошбоева. — Фестивалга ўзим тиккан миллий кўк кўйлак, савкеле, ҳамён ва чопонларимни олиб келдим. Ҳакамлар олдида миллий кўлқопни кашталаб бердим.

Наср ва назм йўналиши.

Болалар шоири Турсунбой Адашбоев иштирокчиларга ижод борасида ўз тавсияларини берди. Сўнгра ёш қаламкашларнинг ижодий ишлари таҳлил қилинди.

— Танловда қатнашаётган ёш иқтидор эгаларининг аксарияти энди ижод боғига қадам ташлаётган, — дейди Турсунбой Адашбоев. — Шу боис уларнинг машқларидан айрим камчиликларни тўғри қабул қилдик ҳамда маслаҳатлар бердик.

файз киришиб, кўпчилики рақсга чорлади. Қашқадарё вилоятидан келган Лайло Арслонова фольклор йўналишида «Қўпқари» кўшиғини ижро этди. Бу чиқишлар эса Ҳакамларнинг юқори баҳолаганига сазовор бўлди.

Халқ чолғулари — глекторли, камонли, дамли ва зарбли чолғу асбоблари йўналиши.

Миллий санъатимизда халқ чолғуларидан унумли фойдаланилаётгани халқимизнинг тарихимиз, анъана ва урф-одатларимизга чуқур ҳурматинонг англати-ди.

Фестиваль иштирокчилари ёш бўлишига қарамай, халқ чолғуларини маромида чалиб, маҳорат ёшда эмас, интилиш ва қобилиятда эканини исботлади. Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабидан таҳсил олаётган Азиза Мавлонованинг дугорда чалган «Ҳаёли қиз» куйи дилларга қувонч улашди.

Рақс — миллий, бал ҳамда замонавий рақслар йўналиши.

Рақс — мафтункор санъат тури. У инсонга эстетик завқ бағишлайди. Эътибор берган бўлсангиз, рақсда инсон характери, хатти-ҳаракатлари акс этади. Фестивал иштирокчила-

Аммо айрим қатнашчиларнинг болалар шоири ва ёзувчиларини яхши билмаслиги бизни ажаблантирди. Уйлайманки, улар қалам тебратиш билан бирга, китоб мутолаа қилишни ҳам қанда қилмайди.

Наманганлик Бекзод Билолиддиннинг «Юртим» деб номланган шеъри болалар нигоҳидаги она Ватан суратини гавдалантирди. Шундай сатрларга жо бўлган гўзал туйғулар болаликнинг бегубор чизгиларида акс этди.

Юртим жамолингдан кувонади дил, Яшайман юрагим завқларга тўлиб. Бахтли болалиқдан куйлайди кўнгли, Боғда булбуллarga жўр овоз бўлиб.

— Бу йил болалар ижодиёти фестивалига қирқ минг нафарга яқин ўғил-қиз қатнашиш истагини билдириб, аризалар билан мувожаат қилганининг ўзи мазкур фестивалнинг йилдан-йилга оммалашаётганининг исботидир, — дейди «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалнинг Ҳакамлар ҳайъати раиси Баҳром Курбонов. — Иқтидорли болаларни излаб топиб, уларга истеъдодини намойиш этиш имконини бераётган бу танловнинг аҳамияти катта. Фестивалнинг баҳолаш мезонига кўра, олти йўналишда иштирокчилар алоҳида баҳоланади. Ҳакамлар турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар бўлиб, болаларнинг ижодий қобилиятини одилона баҳолаб боради.

«КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ» УЧУН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Болалар ижодиёти фестивали доирасида Республика рассомлик коллежи ва Успенский номидаги республика ихтисослашган мусика академик лицейида «Устоз сабоқлари» машғулоти ўтказилди. Унда иштирокчилар турли йўналишларда ўз маҳоратини оширди.



ЖАРАЁН

Классика — фортепьяно, торли-камонли, дамли ва зарбли чолғу асбоблари йўналиши.

Ўзбекистон давлат консерваторияси залида «А» гуруҳининг композицион чиқишлари бошланди. Тўрт нафар Ҳакам ҳар бир чиқишни муносиб баҳолаб борди. Масалан, бухоролик Жасур Файзиевнинг скрипкада чалган «Чалғиш» куйи барчани сехрлаб, қалбини тўлқинлантириб юборди. Шундан сўнг саҳнага Қашқадарё вилоятидан Диёра Шодиёва чиқди. У дугорда «Муножот» куйини чалиб, йиғилганларни хушнуд этди.

— Жуда ҳаяжонданман, — дейди Диёра. — Катта саҳнага би-

— Мен маҳорат дарсларида бўёқ тайёрлаш сирларини ўрганиман, — дейди Алишер Авазов. — Биз сариқ ва яшил ранг аралашмасидан пейзажда осмон рангини чиздик. Бу олган сабоқларим келгусида ижодий ишларимда асослади.

Маҳорат дарсидан тажриба орттирган митти юлдузчалар пойтахтимизнинг энг гўзал манзиллари томон йўл олди. Тиниботинчмас ўғил-қизлар йўл-йўлакай юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар билан инглиз тилида мулоқот қилишга ҳам улгурди.

Мустақиллик майдони. Хотира майдони... Бутун тарихимиз ва келажагимиз деб очаси. Фестиваль иштирокчилари жажжи кўлларида тутган гулларини Мотамсаро она ҳайкали ҳамда Мустақиллик ва зғулик монументи пойғи кўйди.

— Тошкент гўзал шаҳар, — дейди Оҳангарон туманидаги 6-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиси Музробўжа Маҳмудов. — Фестивалда биз нафақат ўз иқтидоримизни

кўрсатаймиз, балки юртимизнинг чиройли гўшаларига ҳам саёҳат қиляймиз. Менга Мустақиллик майдони ва осмонлар бинолар жуда ёқди. Бу ҳақда дўстларимга, албатта, гапириб бераман.

Саёҳатдан сўнг барча иштирокчилар Ёшлар ижод саройи томон йўл олди. Бу ерда «Камалак юлдузлари» фестивали иштирокчилари томонидан ишланган хунармандчилик буюмлари, тўқимачилик намуналари ва расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда ёш ижодкорлар ўзларининг энг сара санъат асарларини оммага ҳавола этди.

Шоҳжаҳон Комилов (Наманган вилояти):

— Кўргазмада «Карвон», «Отли чўпон», «Боболар ошда» каби ижодий ишларим билан қатнашаёман. Истеъдодимни кўрсатиш имконини берган танлов ташкилотчиларига раҳмат айтаман. Силларга ёпиштириб, алабастрада ишланган «Боболар ошда» ҳайкалин «Камалак» болалар ташкилотига совға



қиламан. Келажакда моҳир ҳайкалтарош бўлиб, устозларим ишончини оқламоқчиман.

Нодира Кубаева (Навоий вилояти):

— Мазкур танловда аппликация ишларим билан қатнашаёман. Расмлар устига туширилган қоғозлар елим ёрдамида ёпиштирилади. Қарабсизки, гўзал санъат асари яратилади. Мана, бу аппликация «Квелей» деб номланади. Унда уйимиз ёнидаги боғни тасвирлаганман. Кўргазмадан сўнг танлов иштирокчиларига Ёшлар ижод са-

ройида дастлаб ёшлар сиёсатига бағишланган видеоролик, сўнгра концерт намойиш этилди.



«Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг энг ҳаяжонли дамлари — тақдирлаш маросими бугун соат 16:00да «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтади.

Кумар БЕГНИЯЗОВА, Санжар ИСМАТОВ, «Turkiston» муҳбирлари.
Рустам Назарматов ва Носир Хайдаров олган суратлар.



Bilib qo'ygan yaxshi

Конституция тарихига бир назар

Маълумки, қадимдан жамият ва давлат ўрта-сидаги муносабатларни адолатли тартибга солиш долзарб масала ҳисобланган. Бу мураккаб вазифани фақат қонун йўли билан амалга ошириш мумкинлиги ҳуқуқ тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келган. Бу эса уни муттасил такомиллаштириб бориш зарурати пайдо қилган. Антик даврлардаёқ вужудга келган давлатларнинг шаклланиш жараёнида умумий овоз бериш йўли билан ёки халқ вакиллари орқали барча учун мажбурий бўлган қонун-қоидалар ишлаб чиқиш амалиёти секин-аста одат тусига кирган. Натижада одамлар ҳаётининг айрим жабҳаларининг қамраб оладиган, жўн тартиб-қоидалардан иборат қонунлар жорий этилган. Кейинчалик давлат ва жамият ҳаётининг турли қирраларига тегишли ҳуқуқ ва бурчлар тизимини яратиш, амалдаги қонун-қоидаларни яхлитлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Янгича кўринишда яратилган ушбу ҳужжат Конституция деб номланди.

Конституция сўзи латин тилидаги «constitutio» сўзидан олинган бўлиб, у «таъсис этиш, асос солиш» деган маъноларни билдиради. Замонлар оша конституция олдида кўйилган талаблар ҳам тобора кенгайиб борди. Янги ҳужжат аввалги қонун-қоидалар жамланмасидан бирмунча фарқли равишда жамиятдаги муаммоларни тартибга солиш билан чекланиб қолмай, давлат бошқарувининг фундаментал принципларини ҳам ифода этишга қаратилган алоҳида нормалар мустақамлаб кўйилгани билан алоҳида ажралиб туради. Конституция қачон, қаерда ва қандай кўринишда пайдо бўлгани хусусида фикр юритилганда, биринчи навбатда, бу воқеликни даврларга бўлиб, яъни қадимий, антик давр, ўрта асрлар ва янги даврларга тегишлилигидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон тарихида инсонлар ёзган илк қонун Ҳаммурапи қонунлари ҳисобланади. Ҳаммурапи милоддан аввалги 1792 — 1750 йилларда ҳукмронлик қилган бўлиб, қадимги Бобил подшоҳларининг энг кўзга кўрингани эди. Унинг жаҳон тарихида ўчмас из қолдирганининг боиси адолатли ҳукмдор бўлгани билан эмас, балки ўз ҳукмронлигини қонунлар асосида амалга оширгани билан изоҳланади. Лекин бу қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ифодаловчи ҳужжатдан кўра кўпроқ жазоловчи меъёрий ҳужжат сифатида намоён бўлди. Чунки ундаги нормалар

асосан тақиқлаш ва маҳкум этишни назарда тутарди. Масалан, ундаги сатрларга эътибор қаратадиган бўлсак, кўйидаги мазмундаги ёзувларни кўриш мумкин: «Бировнинг боғидан бир бош узум ўғирлаган киши агар ўғирлик содир бўлган жойнинг ўзида қўлга олинса, боши танасидан жудо этилсин, агар у кейинчалик гувоҳлар ёрдамида топилса, қўллари кесилсин» ёки «Ким бошқа бир шахсни сабабсиз ҳақорат қилса ва урса, боши танасидан жудо қилинсин». Ижтимоий ҳаётнинг юқори бўлмаган арзимас ҳуқуқбузарликлар учун ҳам мана шундай «боши танасидан жудо этилсин» қабалида жазо тайинланиши Ҳаммурапи қонунларининг асосини ташкил қилади. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, тарихчилар уни сиёҳ билан эмас, қон билан ёзилган, деган таърифни беради. Аммо нима бўлганда ҳам, ушбу қонун давлат бошқарувида бениҳоя катта аҳамият касб этувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат сифатида инсониятнинг энг машҳур кашфиётларидан бирига айланди.

Кейинчалик антик даврларда, аниқроғи, милоддан аввалги 621 йилда Афина ҳукмдори Дракон ҳам ўзининг қонунлар мажмуасини эълон қилди. Бироқ у худди Ҳаммурапи қонунлари сингари кўрқитиш, ўлдиришни ифода этарди ва ҳатто баъзи бир жиҳатлари билан ундан ошиб ҳам тушди. Уша пайтларда аҳоли ўртасида «агар тинч юришни истасанг, нафас олиш билан кифоялан» каби ҳазил иборалар оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Бугунги замонавий юриспру-

денцияда ҳам кескин чоралар кўришга қаратилган қонун меъёрларини «Дракон нормалари» деб аташ дунёнинг ривожланган давлатларидаги профессионал адвокатлар орасида ҳанузгача сақланиб қолган. Антик даврнинг қайси давлатида бўлмасин, бора-бора қабул қилинадиган қонунлар тобора шафқатсиз кўриниш касб эта бошлади. Инсонларга нисбатан бундай қақшатқич чоралар кўриш узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Бунга кимдир қачондир чек қўйиши керак эди ва бу эзгу ишга Афина ҳукмдори Солон астойдил бел боғлади. Меҳнаткашларнинг зиммасидаги оғир юкларни аста-секин енгиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар ўз самарасини берди ва Солон тез орада халқ ичида, қолаверса, кейинги авлод тарихчилари орасида катта ҳурмат-эътибор қозонди. У аристократия, плутократия ва конституция сингари янги атамаларни ҳам жаҳон тилшунослиги луғатига кўшиб қўйди. Шу тариқа, конституция сўзи илк бор айнан Солон томонидан милоддан аввалги 594 йилда эълон қилинган «Солон Конституцияси» номи қонун ҳужжатида қўлланилган. Уша пайтларда жамоатчилик конституция сўзини қонун сўзининг эквиваленти сифатида тушунган. Аммо, аслида, ундай эмас эди, конституция бутунлай бошқача кучга эга бўлиб, ҳали-ҳануз бу сўзнинг туб моҳиятини англаб етишга оддий авомнинг тафаккури ожизлик қиларди. Унинг қонунчилик соҳасидаги ишларини Аристотель давом эттирди ва одамларга конституция нима эканлигини содда тил билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Шарқда Арасту дея ном олган бу олим дунёда биринчи бор «constitutio» атамасига аниқлик киритишга муваффақ бўлди ҳамда ўзининг «Афина Конституцияси» номи трактатида одатий қонунлар билан конституциявий қонунлар ўртасидаги фарқни кўрсатиб берди. Олимнинг таъкидлашича, конституция одатий қонунлардан фарқли равишда устувор аҳамият касб этади, яъни қабул қилинган ҳар қандай меъёрий ҳуқуқий ҳужжат, хоҳ у қонун бўлсин, хоҳ фармон, албатта, конституцияга мос бўлиши шарт. Аристотелнинг ушбу назарияси бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатлари конституциялари-

да ажралмас мезон сифатида ўз аксини топган.

Антик даврнинг иккинчи босқичи ҳисобланган Рим империяси даврларида қонунчилик янада такомиллаштирилди. Сенат томонидан қабул қилинган конституция ва қонунларда энди хусусий мулк муқаддас дея эълон қилинди. Ҳар бир шахснинг узвий ҳуқуқлари қатъий ҳимоя остига олинди, мерос масалаларига оидинлик киритилди, никоҳ ҳамда олди-сотди ишларида шартномалар тузилиши белгилаб қўйилди ва бу қоидаларга ривожланган давлатлар қонунчилигида ҳамон асосий нормалар сифатида қаралади. Бундан ташқари, давлат бошқаруви масалаларига ҳам алоҳида бўлимлар ажратилган. Мисол учун, давлат бошқарувида «республика» атамаси қўллана бошланди ва республика тузиш шартлари, бошқарувда халқ вакилларининг иштироки ҳамда қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш механизмлари ишлаб чиқилди.

Ҳозирги замон юриспруденциясида «Рим ҳуқуқи» деган тушунча мавжуд бўлиб, унга кўра, ўзини юрист сифатида тан олинишни истайдиган ҳар қандай ҳуқуқшунос Рим ҳуқуқини ўрганган тақдирдагина атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиши, ҳал қилиниши мушкул туялган муаммоларга осонгина жавоб топиши мумкин бўлади. Чунки бугунги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳуқуқий тамойилларнинг ярмидан кўпроғи Рим империяси даврларидаёқ ишлаб чиқилган ва ҳанузгача деярли ҳеч бир ўзгаришсиз амалда қўлланилмоқда.

VIII — XVII асрлар оралиғида Европа ва Осиёнинг юзлаб мамлакатларида давлат бошқаруви ва фуқаролик муносабатларига оидинлик киритишга хизмат қилувчи конституция кўринишидаги кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам қадимий, антик давр ва ўрта асрларга хос бўлган ибтидоийликни ўзида сақлаб қолаётган эди. XVIII асрга келиб энди замонавӣ ўзгарди, кашфиётлар ва янги технологиялар даври бошланди. Одамлар онгидаги ўзгаришлар туфайли ривожланган давлатлар олдида қонунларни қайта кўриб чиқиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Замонавий

кўринишдаги конституциянинг қабул қилиниши бевосита Америка Қўшма Штатлари номи билан боғлиқ. Америка қитъаси кашф қилиниб, у ерда колониялар ташкил этилганидан сўнг замонавий ҳуқуқий муносабатлар вужудга келди ва уларни тартибга солиш учун бутунлай янгича замонавий конституция зарур эди. Ана шу зарурат туфайли 1788 йил 21 июнда АҚШ Конституцияси қабул қилинди. Шундан сўнг бошқа давлатлар ҳам ўз конституциясини қабул қилди. Ушбу давлатлардан фақат 155тасининг бош қомуси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинган бўлиб, улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини, миллий тотувликни кафолатлайди ҳамда давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларни мустақамлайди. Конституциямизнинг ҳар бир моддаси фавқуллода ҳаётлиги ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан ажралиб туради. Айниқса, унинг ихчамлиги, кенг қамровли ва теран мазмунга эга эканини хорижлик ҳуқуқшунос экспертлар халқаро симпозиумларда кўп мартаба эътироф этган.

Дунёдаги энг катта ҳажмли конституция ҳисобланган Ҳиндистон Конституцияси 444та моддани ўз ичига олган бўлса, бор-йўғи 7 моддадан таркиб топган АҚШ Конституцияси дунёдаги энг кичик конституция ҳисобланади. Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Конституциянинг кучи ундаги моддаларнинг кўплиги билан эмас, бу моддаларнинг ҳаётлиги билан изоҳланади. Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, ҳуқуқий салоҳияти мамлакат Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлари билан ўлчанар экан, юртимизда қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишининг комплекс механизмлари ишлаб чиқилганлиги фуқароларимизда Конституция ва қонунларимизга бўлган чуқур ҳурматнинг шаклланишига хизмат қилаётгани кишини қувонтиради.

Фазлиддин РАҲИМОВ,
Темурийлар тарихи
давлат музейи
илмий ходими

Оҳангарон туманида Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти, жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» лойиҳаси доирасида ёшлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди.

«КЕЛАЖАГИМ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН!»

Ўтказилган тадбирларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон тумани кенгаши қошида тузилган тарғибот гуруҳи аъзолари ҳамда Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман кенгаши, жиноят ишлари

бўйича туманлараро суди, «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари қатнашди. Улар Оҳангарон саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда тумандаги 53-мактабда бўлиб ўтган «Бугунги ўқувчи — эртага сайловчи», «Мен биринчи

марта овоз бераман» мавзуларидаги давра суҳбатларида ўқувчи-ёшларга Асосий қонуимизнинг «Сиёсий ҳуқуқлар» ва «Сайлов тизими» бобларидаги сайлов жараёнига оид моддаларни тушунтириб берди.

Тадбир давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олди. Энг яхши савол муаллифлари рағбатлантирилди.

Юлдуз ХАСАНОВА,
«Камолот» ЕИХ Оҳангарон
тумани кенгаши етакчи
мутахассиси

ҚОРАЎЗАҚДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Қораўзақ туманидаги 16-музыка ва санъат мактабида қорақалпоқ шоири Ажиниёзнинг 190 йиллиги ҳамда унинг номи билан аталган Нукус давлат педагогика институтининг 80 йиллигига бағишланган адабий-маданий кеча ўтказилди.

Тадбир туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда институтнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар ва фаол ёшлар қатнашди.

Кечада ёшлар Ажиниёз шеърларидан ўқиди. Меҳмонларга мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари тайёрлаган концерт намойиш этилди.

Зарафшон УМАРОВА,
Қорақалпоқ давлат университети талабаси



Сувни асранг, болалар

«Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида «Болалар ва сув» фестивали бўлиб ўтди. Унинг доирасида расмлар танлови ташкил қилинди.

Юртимиз худудларидан келган 80 нафар ўқувчи сув ва бошқа табиий бойликларни асраб-авайлашга ундовчи саҳна кўринишларини ҳам намойиш этди.

Биринчи ўринни бухоролик ёш ижодкорлар қўлга киритди. Сирдарё ҳамда Наманган жамоалари иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Хоразм вилояти вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлди.

Наргиза БАҲОДИРОВА.

Бурхон Ризоқулов олган сурат

Е'tibor

«Созлар навоси»га маҳорат намойиши

Муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»-ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бухоро вилоятида ҳам ушбу қарор ижроси доирасида болалар муסיқа ва санъат мактаблари тўла таъмирланди. Янги санъат мактаблари қад ростлади.

Иқтидорли ўғил-қизларнинг салоҳиятини тўлақонли намоён этиши учун яратилган кенг имкониятлар самараси ўларок, ёшларимиз турли танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, миллий санъат анъаналарини тарғиб қилиш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари, халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида Бухоро санъат коллежида яна шундай танловлардан бири — «Созлар навоси» ёш муסיқа ижрочилари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи юксак савияда ўтказилди. Кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида қатнашган 400 нафардан зиёд ёш истеъдод соҳиби орасидан 39 нафари вилоят босқичида иштирок этиш

имкониятига эга бўлганди. Улар бешта йўналиш бўйича маҳоратларини намойиш қилди.

— Кўрик-танловда ғолиблар қаторидан жой олганимдан хурсандман, — дейди дуторда мумтоз куйларни маромига етказиб чалиб, олқишларга сазовор бўлган ғиждувонлик Отажон Ақромов. — Олдимга улкан мақсадлар қўйдим: энди халқаро фестивалларда ҳам иштирок этиб, Ўзбекистонимиз номини янада улугласам, дейман. Биз, ёшларнинг санъат билан шуғулланишимиз, ўз иқтидоримизни намоён этишимиз учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганидан миннатдоримиз.

12 нафар ёш муסיқа ижрочилиги кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» муҳбири

Harbiy vatanparvarlik

Ўқувчининг бўш вақти бўлмайдиги!

*Ташлаб дадил, мардона қадам,
Биз майдонга чиқамиз шахдам!
Бизлар Темура авлодларимиз,
Озод юртнинг посбонларимиз!..*

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ўқув-спорт техника клуби унитар корхонаси тасарруфидаги «Жасорат» ватанпарварлик клуби аъзоларининг саф қўшиғи беихтиёр эътиборни тортади. Тўғарак ўз фаолиятини жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, ҳозирда болалар билан саф тайёргарлиги, авиамодель ва ракетамодел, ўқ отиш, триатлон (велоспорт) каби ўқув-спорт машғулотларини ўтказмоқда. Юқори малакали мурабийлар, спорт усталари, нафақадаги ҳарбийлар ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, жисмонан ва маънан баркамол инсонлар бўлиб камол топиши, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиб, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун астойдил бел боғлаган.

— Спортнинг техник-амалий турларини ривожлантириш «Ватанпарвар» ташкилоти зиммасига юклатилган, — дейди маънавият ва спорт ишлари бўйича директор ўринбосари Баҳодир Ёриев. — Тўғаракларга қатнашувчи ёшларнинг сафи кундан-кунга ортмоқда. «Жасорат» ватанпарварлик клуби илк бор Сергели туман ўқув-спорт техника клубида ташкил қилинди. Янги ташаббус ва ғоялар Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Сергели тумани ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Саф тайёргарлиги ва ўқ отиш машғулотлари айниқса қизиқарли бўлиб, ўқувчиларда ҳарбий билим ва кўникма ҳосил бўлишида муҳим омил бўлаётди. Машғулотлар ҳарбий майдонларда юқори савияда ўтказилиб, зарур спорт анжомлари билан таъминланган. Болаларнинг жисмоний қобилиятини юксалтириш, уларни нуфузли беллашувларга тайёрлаш мақсадида мунтазам равишда мактаблараро мусобақалар ҳам ташкил этиб турилади. Сергели туманидаги ўнта мактабнинг икки юз нафардан ортиқ ўқувчилари ўртасида саф тайёргарлиги, авиамодель ва ракетамодел, ўқ отиш ҳамда триатлон (велоспорт) бўйича ўтказилган мусобақаларда пешқадамлик қилган «Жасорат» ватанпарварлик клуби аъзолари билан эндиликда қўшимча машғулотлар олиб борилиб, келгусида бўлиб ўтиши режалаштирилган шаҳар ва республика беллашувларига жиддий тайёргарлик кўриломоқда.

— Биринчи синфдан то олтинчи синфгача бўлган ўқувчилар резерв сиёфатида машғулот ўтказилади. Улар кейинги босқичга ўтгач, асосий таркибга олинади. Бу давр мобайнида болаларнинг машғулотларда иштирок этиши кейинги поғонага ўтиши учун трамплин вазифасини ўтайди. Шогирдларимиз нуфузли спорт мусобақаларида ҳам ўз кучини кўрсатмоқда. Жорий йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган II Олимпия ўйинларининг ўқ отиш бахсларида спортчимиз Владимир Свечников олтин медал олиб, «Ватанпарвар» ташкилотининг нуфузини оширди, — дейди истеъфода-



ги полковник Эркин Толбобоев.

«Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги ўқув-спорт тўғаракларидан етишиб чиқаётган ёш спортчилар бугунги кунда жаҳон ареналарига чиқишда давом этмоқда.

Ташкилотда автомактаб ҳам фаолият юритади, унда «В», «ВС» тоифаларига ўқитиш, «С» тоифага қайта тайёрлаш жорий қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрда қабул қилинган 325-қарорига кўра янги ўқув дастури шу йилнинг 1 июлидан бошлаб амалга татбиқ этилди. Ҳайдовчилик тоифаларига кўра ўқув машғулотлари соатида ҳам ўзгартиришлар киритилди. Унга

кўра «ВС» тоифасига ўқиш даври олти ойдан тўрт ярим ойга қисқариб, «С» тоифасининг бир ярим ойлик ўқув курси икки ойга ўн кун қилиб белгиланди. Автомактабнинг 350дан ортиқ ўқувчиларини 14 гуруҳга ажратган ҳолда мурабийлик қилаётган етти нафар мутахассис ёшларнинг назарий ва амалий маҳоратини бир маромда ошириб бормоқда. «Матиз», «Нексия», «Кобалт», «Дамас» каби юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ўқувчиларнинг амалий машғулотлар ўташи учун хизмат қилапти.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» муҳбири

Biznesga ilk qadam



Шоҳжаҳон Тўйчиев тадбиркорлик фаолиятининг ноанъанавий йўналишини танлаган. Булунгурлик тенгдошимиз муздан ҳайкал ва бадий композициялар ясади.

Унинг шахсий устахонаси бор. Жорий йилдан тўй маросимлари, реклама тадбирлари, расмий қабуллар учун буюртмалар қабул қилишни бошлади.

— Бир нафар шогирдим бор, — дейди Шоҳжаҳон Тўйчиев. — Санъат асарларим билан Латвия, Бельгия, Россия давлатларида ўтказилган халқаро танловларда иштирок эт-



ганман. Муз ҳайкалтарошлигини юртимизда ҳам ривожлантирмоқчиман. Бу нафақат ижод, балки яхшигина даромад манбаи ҳамдир.

Шоҳжаҳон хусусий корхона очишни ҳам ният қилган. Бу йил «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёш тадбиркор — юртга мадақдор» лойиҳасида голиб бўлди. Энди у банкдан имтиёзли кредит олиши мумкин. Маблағларни эса, биринчи навбатда, корxonани технологик жиҳозлашга сарфлайди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Hikmat izlaganga hikmatdir dunyo

Ўша дарахт қаерда?

Бир одам подшо ҳузурига келиб шикоят қилибди: «Шоҳим, мен Самарқанддан Бухорога кетаётган эдим. Минг тиллодан иборат маблағим солинган ҳамёним бор эди. Шаҳардан бир неча чақирим узоқлашганимда йўл бўйидаги дарахт соясида ўтириб дам олдим ва овқатландим. Шу пайт қарши томондан бир киши келиб қолди. Уни овқатга таклиф қилдим. Кейин хаёлимга: «Бу маблағ ёнимда юрса, уни йўқотиб қўйишим мумкин, яхшиси, уни мана шу одамдан уйимга юбора қолай», деган фикр келди-ю, уни «Мана шу маблағни менинг уйимга бериб қўйсангиз», деб ўша одамнинг қўлига тутқаздим. Бухородан қайтиб келсам, ҳалиги одам омонатни уйга келтириб бермабди. Уни топиб, пулни талаб қилсам: «Мен сени танимаيمان, сендан ҳеч қандай пул олганим йўқ», деб тонди. Шунинг чорасини излаб келдим...»

Подшо шикоятчи айтган одамни топтириб келти-

рибди ва ундан воқеани сўрабди. Ҳалиги одам шикоятчини танимаيمان, у айтган дарахтнинг қаердалигини билмайман, деб туриб олибди. Шунда подшоҳ даввогарни ўша дарахтдан икки дона барг олиб келишга юборибди. Мункир келган кишини эса ёнидан жилдирмай, ҳар хил ҳикоялар билан машгул қилиб ўтирибди. Ҳикоя ўртасида подшоҳ ундан: «Ҳалиги одам ўша дарахтга етиб бордимикин?» — деб сўрабди. Мункир келган одам беихтиёр: «Менимча, ҳали етгани йўқ», — дебди. Шунда подшоҳ сиёсат билан: «Сен у дарахтни кўрмаганман, билмайман, деган эдинг, энди эса у одам ҳали етгани йўқ деясан. Демак, сен у дарахтни кўргансан ва ўша пулни олгансан. Яхшиликча бўйингга ол ва эгасига қайтар», — дебди. Шундай қилиб, ҳақиқат юзага чиқибди.

«Ривоятлар ва ҳикоятлар» тўпламидан)



Зукко мухлисга савол:

У «Нолиш», «Кўча боғи», «Эшвой», «Қаландари», «Шахнози Гулёр», «Баёт», «Қаро кўзим», «Дугоҳи Хусайни», «Чоргоҳ», «Мискин», «Насруллоҳи» каби мақом йўлларидаги ашулаларнинг моҳир ижрочисидир. «Субҳидам», «Ёлғиз», «Сайқал», «Сегоҳ», «Дугоҳ» ва бошқа қадимги ўзбек куй ва ашулаларини тиклаган. Улкан хизматлари муносиб эътироф этилиб, 1958 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирланган. 1966 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига сайланган. 1997 йилда 100 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшганлиги учун 2000 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Айтинг-чи, бу улуг санъаткор ва олим ким?

Жавобингизни 21 ноябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Хронометр.

Гузор туманидан Абдулла Қосимов тўғри жавоб йўллади.

Шафаккур җимонидан бир қабри

Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса, уларнинг танқиди мулоим ва дўстона суҳан билан изҳор этилганида кўпроқ фойда олганман.

Маҳатма Ганди

ДИҚҚАТ, «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ!»

Хурматли ҳамюртлар! Маълумки, қишда йилнинг бошқа мавсумларига қараганда фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бир мунча ошади. Бу эса ўз-ўзидан ёнғин хавфининг ҳам кескин ортишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрига қадар мамлакатимиз миқёсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда давлат аҳамиятига молик ўта муҳим ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини



мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлашимизки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳамisha қатъий риоя қилиб, нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фар-

зандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси